



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА СANOAT КОМПЛЕКСИНИНГ ҲИССАСИ

Шуқуров Улуғбек Шоқирович -
Қарши давлат университети
таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a35

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти саноат комплексининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни ёритиб берилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сўнги йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат маҳсулоти ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари орасидаги ўрни тушиб бормоқда. Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоқлари маҳсулот ҳажми бўйича вилоятнинг улуши йиллар мобайнида камайиб бормоқда. Бу тенденцияга тескари равишда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғи вилоятда жадал суръатлар билан ўсмоқда. Шуларни инобатга олиб, мақолада вилоят саноат комплекси таркибини такомиллаштириш ва тармоқлар самарадорлик кўрсаткичларини ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат комплекси, самарадорлик индекси, аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ҳажми, саноат тармоғида банд аҳоли.

ВКЛАД ПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА В ЭКОНОМИКУ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Шуқуров Улуғбек Шоқирович -
Базовый докторант Каршинского
государственного университета

Аннотация. В данной статье освещена роль промышленного комплекса Кашкадарьинской области в экономике Республики Узбекистан. Результаты исследования показывают, что в последние годы позиции Кашкадарьинской области по объему промышленного производства снижаются среди регионов Республики Узбекистан. Доля региона в объеме производства по добыче полезных и открытых ископаемых; промышленному производству; водоснабжению, канализации, сети сбора и утилизации отходов с годами снижается. Вопреки этой тенденции, в регионе быстро развиваются сети электро-, газа, пара снабжения и кондиционирования воздуха. Исходя из этого в статье разработаны научно-практические предложения и рекомендации по совершенствованию структуры регионального промышленного комплекса и повышению эффективности отраслей.

Ключевые слова: промышленный комплекс, индекс эффективности, объем промышленной продукции на душу населения, занятые в промышленности население.

THE CONTRIBUTION OF THE INDUSTRIAL COMPLEX TO THE ECONOMY OF KASHKADARYA REGION

Shukurov Ulugbek Shokirovich -
Basic doctoral student of Karshi State University

Annotation. This article highlights the importance of the industrial complex of the Kashkadarya region in the economy of the Republic of Uzbekistan. The results of the study show that in recent years, the positions of Kashkadarya region in terms of industrial production have been declining among the regions of the Republic of Uzbekistan. The share of the region in the volume of production for the extraction of minerals and discovered minerals; industrial production; water supply, sewerage, waste collection and disposal sectors has been declining over the years. Contrary to this trend, electricity, gas, steam supply and air conditioning sectors are rapidly developing in the region. Based on this, the article developed scientific and practical proposals and recommendations for improving the structure of the regional industrial complex and increasing the efficiency of industries.

Key words: industrial complex, efficiency index, volume of industrial output per capita, employed population in industry.

Кириш. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг аграр ва саноат тармоқлари ўрнини хизмат кўрсатиш соҳалари эгаллаган бир пайтда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида саноат кадриятларининг жозибадорлиги ортиб бормоқда. Бу каби мамлакатларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат мажмуаси моддий ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини сифатида уларни келгуси тараққиёт босқичига олиб чиқувчи локомотив вазифасини бажаради. Шунинчун олиб айтиш мумкинки, саноат мажмуаси тармоқлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 45,8 фоизи Хитой, АҚШ, Япония ва Германия мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Ливия ялпи ички маҳсулотида мазкур тармоқнинг улуши 63,8 фоизни ташкил этади. Пуэрто-Рико, Қатар, Конго Республикаси, Бруней, Экватор Гвинеяси, Тимор-Лешти, Шимолий Мариана ороллари, Қувайт, Ангола ва Ливия мамлакатлари иқтисодиётида саноат тармоғининг улуши 50,0 фоиздан ортиқ, Дунёнинг 80 та мамлакати ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноатнинг улуши 30,0 фоиздан юқори [11].

Ўзбекистон иқтисодиётига назар ташласак, ЯИМ таркибига тармоқларнинг қўшилган қийматида (ЯҚҚ) саноат тармоғининг улуши 2010 йилда 24,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2018 йилдан бошлаб 30,0 фоиздан юқори қийматни ташкил эта бошлаган. Бу эса мамлакатимизда саноат тармоғининг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади. Шундай экан, мамлакатимизда саноат салоҳиятини мустақамлаш ва минтақаларни комплекс ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини йўлга қўйиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Индустриализм” тушунчаси А.Сен-Симон (1760-1820) томонидан ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ташкил этишни саноат-илмий тизими сифатида тавсифлаш учун фанга киририлган. Унга кўра, бундай тизимда илм-фан прогноз қилиш, саноатлашган ишлаб чиқариш эса бу прогнозларни амалга ошириш имконини беради [3].

Саноат иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи бўлиб, жамият ишлаб чиқарувчи кучла-

рининг ривожланиш даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади [8].

D.Наууагнинг фикрига кўра, “Саноатлаштириш ва ривожланиш жараёни иқтисодиётларнинг трансформацияси билан боғлиқ. Трансформация кўп ўлчовли ҳодиса бўлиб, узоқ муддатли истиқболда маҳсулот ва иш билан бандлик тузилмасининг таркибий ўзгариши унинг энг муҳим ўлчови ҳисобланади” [9].

Россиялик олим В.В.Калининага кўра, “ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти саноатнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш ва таҳлил қилишдир” [5].

Ўзбек олими А.Салиев иқтисодиёт тармоқ ва ҳудудий тузилмадан таркиб топиб, унинг тармоқ таркиби ҳудудий тузилмасидан кўра динамикроқ бўлишини таъкидлайди [7].

“Тармоқлар орасида асосий бўғин саноатнинг ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади. Саноат мажмуасининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, фантехника тараққиётига эришилади” [4].

Г. Эркаеванинг фикрича, саноат комплекси минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий бўғини ҳисобланиб, ҳудудлардаги табақалашув даражасини қисқартириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг бош манбаларидан биридир [10].

Шубҳасиз, саноат мажмуасининг фаолияти дунёнинг исталган мамлакатларидаги иқтисодий вазият ва аҳолининг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатади, шунинг учун саноатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш муаммолари устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, сўнгги йилларда алоҳида аҳамият касб этган саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жиддий эътибор қаратишга олиб келади, чунки улар нафақат тизимли хусусиятга эга, балки бутун мамлакатнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигига ҳам боғлиқ [11].

Кўплаб мамлакатларда (жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам) саноат парадигмаси ўз аксини топиб улгурмади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иш билан бандликнинг аграр ва саноат турлари ўрнини инновацион турлар эгаллаган бир пайтда малака талаб этилмайдиган меҳнат, малакасиз ишчи кучига талаб ва эскича технологиялар сақланиб қолган бу каби иқтисодиётларда саноат кадриятлари жозибадорлигича қолмоқда” [6].

Тадқиқот методикаси. Тадқиқотда мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш, таҳлил қилиш, манتيқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган. Қашқадарё вилояти саноат комплекси кўрсаткичлари мамлакат кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилинди. Қиёслашда саноат комплекси тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичлари асос қилиб олинди. Самарадорлик куйидаги формула орқали аниқланди:

$$СИ_{ij} = \frac{ҚМ_{ij}}{ММ_j} \quad (1)$$

Бунда: СИ_{ij} – *i*-худуддаги *j*-тармоқнинг самарадорлик даражаси;

ҚМ_{ij} – *i*-худудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган *j*-тармоқ маҳсулоти ҳажми;

ММ_j – миллий иқтисодиёт бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган *j*-тармоқ маҳсулоти ҳажми [6].

Таҳлил ва натижалар. Саноат тармоғи миллий иқтисодиётдаги улуши жиҳатидан вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидан кейин турувчи юқори салоҳиятли тармоқ бўлиб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик натижасида бу тармоқда ўсиш кузатилмаяпти [6].

Сўнгги йилларда саноат маҳсулоти ҳажми бўйича Қашқадарё вилоятининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари орасидаги ўрни тушиб бормоқда. Бу кўрсаткич бўйича вилоят 2010 йилда 3-ўрин, 2015-йилда 5-ўрин, 2020 ва 2021 йилларда 8-ўридан жой олган.

Саноат тармоғи таркиби бўйича таҳлил натижаларига кўра, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда республика бўйича Қашқадарё вилоятининг улуши 2010 йилда 68,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 49,0 фоиз, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 4,7 фоизга кескин тушиб кетган. Ишлаб чиқариш саноати ва сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлса-да, вилоятнинг улуши камайиш тенденциясида ҳаракатланмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмида
Қашқадарё вилоятининг улуши (фоизда)**

Тармоқлар	Йиллар											
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Саноат маҳсулоти ҳажми	13,0	10,6	10,6	9,7	8,6	8,9	8,6	7,4	6,2	6,3	4,0	4,1
шу жумладан:												
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	68,7	62,6	51,1	49,6	46,8	49,0	40,6	28,6	18,5	21,0	5,2	4,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	4,4	3,9	4,3	4,5	4,6	4,5	5,7	4,4	3,9	3,3	3,3	3,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	4,3	3,4	3,4	3,3	3,3	5,8	7,1	10,9	11,1	11,6	9,9	14,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	6,8	7,6	8,6	7,0	5,6	5,2	4,2	4,4	7,2	6,4	3,6	4,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жумладан, мамлакат бўйича ишлаб чиқариш саноати маҳсулоти ҳажмининг 2010 йилда 4,4 фоизи, 2015 йилда 4,5 фоизи, 2020 йилда 3,3 фоизи ҳамда 2021 йилда 3,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келган. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғида вилоятнинг улуши 2010 йилда 6,8 фоиз, 2015 йилда 5,2 фоиз, 2020 йилда 3,6 фоиз ҳамда 2021 йилда 4,8 фоизни ташкил этган.

Вилоятнинг аксарият саноат тармоқлари кўрсаткичларида пасайишлар кузатилганига қарамай, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғи жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Чунончи, бу тармоқ бўйича вилоятнинг улуши 2010 йилда 4,3 фоиз, 2011-2014 йилларда ўртача 3,3 фоизни ташкил этган. 2015 йил (5,8 фоиз)дан бошлаб, мазкур соҳада ўсиш динамикаси кескин ортиб бориб, 2020 йилда 9,9 фоиз ҳамда 2021 йилга келиб, 14,3 фоизга етган.

Шу ўринда, бизнингча, вилоятда саноат тармоғининг таркибий тузилишини ўрганиш жоиз. Чунки мамлакат саноатида юзага келган номутаносибликларнинг бартараф этилиши ҳудудларнинг ўзига хос саноат тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Кейинги 21 йил давомида Ўзбекистонда саноат тармоқлари таркибининг ўзгариш динамикасида деярли катта ўзгаришлар содир бўлмаганини кўриш мумкин. Мамлакат жами саноатида энг катта улушга эга бўлган ишлаб чиқариш саноатининг улуши 2010 йилда 75,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга ке-

либ бу тармоқнинг улуши 7,6 фоиз пунктига ўсиб, 83,0 фоизга етганини кўриш мумкин. Бу ўсиш, асосан, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоқлари улушининг камайиши ҳисобига юз берган. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғида 2010-2021 йиллар давомида жуда кичик даражадаги ўсиш юз берган (0,2 ф.п.). Қашқадарё вилояти саноат тармоғининг таркибида эса жиддий ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Саноат тармоғининг таркибий ўзгариш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Қашқадарё вилоятида 2010 йилда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш соҳаси минтақа жами саноати таркибида энг юқори улуш (70,7 фоиз)ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич таҳлил қилаётган йиллар давомида камайиб борган. Ушбу тармоқнинг пасайиш динамикаси 2010-2021 йиллар даврида бир текисда бўлмаганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, бу соҳа улуши 2010-2014 йиллар давомида мунтазам пасайиш тенденциясида бўлиб, 52,9 фоизга тушган бўлса (жами 17,8 ф.п.), 2015 йилда унинг вилоят саноатидаги улуши 53,1 фоизга кўтарилган. 2016 йилда бу тармоқнинг улуши яна сезиларли равишда пасайган (38,1 фоиз), 2017 ва 2019 йилларда эса мос равишда 39,9 фоиз ва 44,9 фоизга ўсган. 2020-2021 йилларда эса тармоқнинг минтақа саноатидаги улуши кескин пасайганини кузатиш мумкин. Вилоят тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи улуши динамикасидаги бундай тебранишларни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Қашқадарё вилояти

саноат таркибида нефть-газ ва тоғ-кон саноати устувор бўлиб, соҳага инвестициялар, асосан, давлат томонидан йўналтирилади. Инвестициялар дастурлари ва лойиҳаларига эътибор кучайтирилган йилларда тармоқнинг улуши ортган. Шунингдек, 2019 йилда вилоятда нефть-газ лойиҳаларини амалга оширувчи хорижий “Epsilon Development Company”сининг иш бошлаши бу йилда мазкур тармоқнинг улуши ортишига сабаб бўлган.

Вилоятда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноати барқарор, жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда унинг вилоят саноатидаги улуши 3,5 фоизни, 2015 йилда 5,9 фоизни, 2020 йилда 18,6 фоизни, 2021 йилда эса 23,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида ҳам ўсиш динамикаси сақланиб қолмоқда.


Бугунги кескин рақобатлашган глобаллашув даври минтақада саноат тармоғини

хомашё йўналишидан инновацион ривожланиш йўналишига ўтказишни тақозо қилмоқда. Чунки ишлаб чиқариш саноати саноатнинг қолган барча саноат соҳаларини ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Вилоятда бу тармоқнинг ривожланиши келгусида экспорт ҳажми, қўшилган қиймат, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келиши билан бир қаторда ҳудудий тафовутларнинг қисқаришини ҳам таъминлайди [10].

Қашқадарё вилояти саноат комплекси ўрганишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқотлар анъанавий “самарадорлик” тушунчасидан фарқли равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажминини

республика кўрсаткичларига нисбатан қиёслаш нуқтаи назаридан ёндашилди. Бу усул орқали вилоятда саноат ўсишининг сифатини баҳолаш мумкин (2-расм).

Таҳлил даврида ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги, афсуски, муттасил пасайиб борганини кузатиш мумкин. 2010 йилда вилоятда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш республика ўртача кўрсаткичидан 1,4 марта юқори бўлган бўлса, 2015 йилга келиб, бу кўрсаткич 0,9, 2019 йилда 0,7 га тушиб қолган. Вилоятда 2020 ва 2021 йилларда мазкур индекс республика ўртача кўрсаткичларига нисбатан бир меъёрада – 0,4 даражада сақланганини кўриш мумкин.



2-расм. Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги


Манба: (1) формула асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлараро тафовутлар даражаси юқори. 2000 йилда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг юқори ва энг паст кўрсаткичга эга ҳудудлар (Навойй ва Жиззах вилоятлари) орасидаги тафовут 12,9 баробарни ташкил этган. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич Жиззах вилоятидан 3,5 баробар ортиқ бўлиб, республика ҳудудлари орасида 7-ўринни эгаллаган.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг юқори ва энг паст кўрсаткичга эга ҳудудлар орасидаги тафовут 2005 йилда 18,4 баробар, 2010 йилда 13,2 баробар, 2015 йилда 12,6 баробар, 2020 йилда 32,3 баробар ва 2021 йилда 28,7 баробарни ташкил этган. Таҳлил даврида Навойй вилояти энг юқори ва Сурхондарё вилояти энг паст кўрсаткичларга эга бўлган. Қашқадарё вилояти Сурхондарё вилояти билан қиёслганда, 2005 ва 2010 йилларда 5,2 баро-

бар, 2015 йилда 3,6 баробар, 2020 ва 2021 йилларда 2,2 баробар ортиқ қийматларга эришган. Қашқадарё вилояти ҳудудлараро рейтингда 2005 йилда 3-ўрин, 2010 йилда 4-ўрин, 2015 йилда 6-ўрин, 2020 йилда 11-ўрин ва 2021 йилда 12-ўридан жой олган. Бу эса вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тушиб кетаётганидан далолат беради.

Бундай камайиш ҳолатининг юзага келиши сабабини чуқурроқ ўрганиш учун саноат тармоғи ривожланиши даражасини вилоят туманлари кесимида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси бўйича вилоят харитаси ишлаб чиқилди (3-расм). Харитада 12 та туман ва 2 та шаҳарнинг 2021 йилда вилоят саноат тармоғида тутган ўрнини шкалалар кўринишида қаралганда, 11 та ҳудуд қизил, 2 таси сариқ ва 1 та Нишон тумани саноат тармоғи ривож яшил ҳудудда экани кўринмоқда.



3-расм. Қашқадарё вилояти ҳудудларида саноат тармоғининг ривожланиш харитаси

Манба: (1) формула асосида муаллиф ишланмаси.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, самарадорлик кўрсаткичининг пасайиб бораётганлиги сабабини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши билан эмас, балки вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг бошқа ҳудудларга нисбатан ортда қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу эса вилоят ҳудудларида саноат комплекси жойлашуви ва ривожланишида долзарб муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлиллар Қашқадарё вилояти иқтисодиётида саноат тармоғи самарадорлик кўрсаткичларининг йиллар давомида пасайиб бораётганини кўрсатди. Вилоят саноат тармоғи кўрсаткичлари бўйича 2000 йилда республика ҳудудлари орасида юқори ўринлардан жой олган бўлса, 2021 йилга келиб, энг қуйи ўринларга тушиб кетган. Бу эса вилоятда инвестицияларнинг истиқболли тармоқларга йўналтирилмаётгани, таркибий ўзгаришларнинг суст кечаётгани ва маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси самарадорлигининг пастлигидан далолат беради. Шуларни инобатга олиб, саноат комплекси тармоқларида самарадорликни ошириш, пировардида саноат ишлаб чиқаришда

вилоятнинг ҳудудлараро ўрнини кўтаришда қуйидагиларни инобатга олиш лозим.

Бугунги кунда вилоят ЯХМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 69,0 фоиз, иш билан бандлик таркибида 78,5 фоиз, саноатда эса 26,3 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вилоят саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини орттириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу эса саноат тармоғида янгидан ташкил этиладиган кичик бизнес субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш тартибини тақомиллаштиришни тақозо этади.

Вилоятнинг саноатга ихтисослашув даражаси энг паст бўлган Чироқчи, Қамаши ва Китоб туманларида саноат тармоғига йўналтирилган инвестицияларни рағбатлантириш, бу ҳудудларга хорижий инвесторларни фаол жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда мазкур ҳудудларнинг иқлим шароити ва табиий ресурс салоҳиятидаги афзалликларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан: Чироқчи туманида терини қайта ишлаш, гўшт, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва ичимликлар ишлаб чиқариш соҳалари, Қамаши туманида пахта қайта ишлаш ва Китоб туманида истеъмол моллари

ишлаб чиқариш, хусусан, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва ичимликлар ишлаб чиқариш соҳаларига инвестицияларни фаол жалб этиш.

Шу билан бир қаторда, истиқболли тармоқларга мўлжалланган худудий ишлаб чиқа-

риш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва улар ижросини тўлақонли амалга ошириш вилоят саноат комплекси таркибини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли [фармони](#). 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси. // <https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сонли “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [фармони](#). ҚММБ, 09.06.2021 й., 06/21/6244/0539-сон.
3. Saint-Simon, Henri and Thierry, Augustin. *Opinion sur les mesures a prendre contre la coalition de 1815 [microform] / par H. Saint-Simon et A. Thierry Chez Delaunay Paris, 1815.*
4. Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. 69-бет.
5. Калинина В.В. *Современные подходы к оценке промышленного комплекса региона. // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. 2011. Т. 3. № 2. С. 62-69.*
6. Махмудов С.Ш. *Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш (Қашқадарё вилояти мисолида). И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: УрДУ, 2022. – 58 б.*
7. Салиев А.С., Курбанов Ш.Б., Ражабов Ф.Т. *Сдвиги в отраслевой и территориальной структуре экономики Узбекистана. // Социально-экономическая география. Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов. 2016. № 5. С. 209-218.*
8. Хей Д. *Теория организации промышленности: в 2 т. : пер. с англ. / Д.Хей, Д.Моррис; под. ред. А.Г.Слуцкого. – СПб.: Экон. шк., 1999. С. 17.*
9. Nayyar D. *Resurgent Asia: Diversity in Development. – Oxford University Press, 2019. P. 92.*
10. Erkaeva G.P. (2021) *Innovative Methods of Foreign Countries to Increase the Investment Attractiveness of Regions. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 522-528.*
11. Стариков Е.Н. *Промышленная политика: подходы к формированию и управлению реализацией. Монография. – Екатеринбург: Урал. гос. лесотехн. ун-т, 2017. С. 72.*
12. <https://www.statisticstimes.com/economy/countries-by-gdp-sector-composition.php>
13. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.